



ҲИКМАТ

Киришдан олдин чиқишни ўйла.

ИМКОНИАТ

Телефон туширишни истайсизми?!

Уруш қатнашчиси Абдурахим ота унинг телефон тушириш учун неча йил наваб кутди. Аризаси инобатта олинвермагач, станция раҳбарларига илтимос тавалло қилди. Бу ҳам иш бермади. Охири масалани бир қуролдош дўстининг масъул лавозимда хизмат қилувчи жияни ҳал этди. Унинг бир кўнгириги билан ота-хон телефонли бўлди. Абдурахим ота бундан қувонини ёки ҳафа бўлишни билмай қолди. Ахир қирқ йиллик меҳнати ҳам, урушда ўт кенгалари ҳам ҳисобга олинмади, мансабдорнинг бир кўнгиригича бўлмади.

Итирма йил олдинги бу воқеа бехабар ҳаётга келди. Чунки кунга кеча урғунлик алоқачилар «телефон туширишни истайсизми» деб сўрашиб кўчмаида бўлишди. Телефонга эҳтижман оилалар соҳибларига хизмат ҳақини бираданига эмас, бўлиб-бўлиб бир неча ой давомида тўлаш мумкинлигини ҳам тушунтиришди.

Бугун уруш иштирокчиси ёки меҳнат фахрийси йўқми, унинг хоҳиши билан тез орада хонадонига телефон хизмати кўриб бермаган бўлсин. Ахир алоқачилар янги миқозлар ахтариб, ўзлари аҳоли турар жойларга бориб

қўшимча хизмат кўрсатиш жорий этилди. Яъни, хонадон соҳиблари ўз телефонлари зиммасига бирор хабарни маълум вақтда керакли жойга етказиш, белгиланган муддатга ўзларини зарур телефон билан улаш сингари вазифаларини ҳам юклатиб қўйишлари мумкин эди. Бу хизматлар тури ҳам ортди. Энди «хўжра-воё» телефонлар керак бўлса зарур пайтда уйқудан уйғота оладиган хўшёр «дўст», вақтни юмушларингиз тартибини беҳато эслаб турадиган, сизга зарур телефонлар рақамларини аниқлаб бериш мумкин бўлган қўшимча хизмат ҳам айланиши. Албатта, ҳуёусий телефонлар тармоғи кенгайиб бораверди. Якунланган йилда ундан фойдаланувчи хонадонлар сони 100 миңдан ошди.

Вилоят алоқачилари жамоат жойларидagi таксонлар фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида ҳам жиддий қайғуришмоқда. Жумладан, вилоят марказининг энг муҳим нуқталарида, шунингдек, магистрал йўллар бўйларига ҳар икки километрда энг замонавий шаҳарлар ва халқаро тақсонилаш ўрнатилган табирилари кўришмоқда. Махсус операторлар улардан фойдаланишида яқиндан ёрдам кўрсатишди.

Сотим АВАЗ, «Жалқ сўзи» мухбири.

Бир қарашда эсда қоларди даражада ажралиб турадиган ҳеч нарсаси йўқ. Урта ёшлардаги раис хонасида калкулятор тугмаларини босиб алланималарни ҳисоблаб ўтирарди. Эшик очилиб, жиккакина йигит мўралади. Раис бошини кўтарди.

— Кириңг. — деди ён дафтари кўйинга соларкан. — Ассалому алайкум, — деди йигит эшикдан икки қадам ўтгач, тўхтаб. — Мен ер сўраб келувдим. — У столга яқинлашди-да, раисга аризасини берди.

— Қанақа ер? Қани, ўтириңг-чи.

Йигит сўлга омонат ўтирди ва тирноқларига тикилди.

— Фермерлик қилмоқчиман.

Раис унга синовчан қараб, қапти билан оғзини силади, кейин столни тапиллатди.

— Фермерлик қилмоқчиман, денг. Қанақа фермерлик?

— Деҳқончилик, ул-бул экаман.

— Масалан, нима?

— Қизил ловия...

— Нимага қизил ловия, оқ эмас? — Раис илжайди. Студла бир қимирлаб олди.

Йигит тикланди, бошини кўтарди.

— Қизил ловиянинг бозори чакқон экан, нархи ҳам қиммат. Қизил ловия унинг қолбасига қўйишяпти экан.

— Ҳа, қойил! — деди раис. — Нималарни ўйлаб топмайд-я. Лекин бир томондан тўғри. Ловияда гўшт, ёғлаги ҳамма нарсаси бор. Неччи гектар ер олмақчисиз?

— Бошламасига уч гектар.

— Ким-ким ишлайсизлар? — Хоним, икки ўғлим, бир қизим, — йигит «ана шунақа» дегандай бошини ликиллатди.

Раис пешонасини тириштириб, бир кўзини қисиб қараганча сўради.

— Яхшилаб ўйлаб кўрадингизми? Фермерликнинг ўзи бўлмайди.

— Уйладим, уйладим.

— Қаредга ишлардингиз?

фатлар билан бир бурчакка ўтиб, а?.. Роса битларингизни тўкиб турасизлар. Эртасига «бош оғриқ»қа ҳам пулдан пайпоқ орасига тиқиб қўясизлар. Фермер бунақаларни эслан чиқариши керак, хотини доимо ёнида бўлади.

— Тўғри. — деди йигит сўник оҳангда.

— Яна, таниш дўхтирга «куруғи»дан чўзиб касаллик варақаси очдириб ялло

гаплар, оғайни... Ҳа, дарвоқе, пулдан кўпми? Йигит қўл силтаб лабини бурди.

— Э, уша пул йўқлиги учун фермерлик қилмоқчиман-да.

— Пулсиз бўлмайди, оғай-



Сих ҳам куймади, кабоб ҳам

Ҳажвия

— Заволда.

— Соат саккиздами, тўққизда ишга боргансизми?

— Ҳа.

— Бу ерда соат бўлмайди. Кун чиқишу кун ботиш — соатингиз шу. Керак вақтда кечалари фонар ёқиб ҳам ишлайсиз, ҳосил пишганда туни билан чивинга таланиб пойлаб ётасиз. Чидайсизми?

— Ҳаракат қиламан-да.

— Заволда вақтда маош олгансизлар, а? Билиб қўйинг, бу ерда ҳеч қанақанги касса-пасса йўқ.

Йигит бўшашиб елка қисди, безовталанди.

— Амаллармиз, — дея мингирлади.

Раис шўҳман давом этди: — Ҳар галги маошда ул-

қилиб юрасизлар. Фермернинг эса касал бўлишга ҳаққи йўқ. Экин, ҳашарот, бегона ўт касал нималигини билмайди.

— Биламан...

— Хў-ўш, тагин, хотинингиз билан қандайсиз? Кечаю кундуз бирга юра оласизми? Илгари уришиб қолсангиз, ишга қочиб қутулгансиз. Бу ерда-чи? Ҳар бир қадамнингиз ҳисобда.

— Уйлаб кўриш керак. — Йигит анча бўшашиб қолганди.

— Заволдан кунига бўлмаса ҳам, кунора бирор нарсаси ўмариб пуллаб турасизлар. Даладан нимани ўғирлайсиз? Зангларан эски кетмоннимми? Ана шунақа

ни, — раис столни шалатилади. — Уруғ, ўғит, трактор учун катта пул керак. Хўжаликка ҳам олтиминг берасиз. Қарз-қуръ қилиб бошлаб ҳам оларсиз. Лекин ҳосил бўлмади қолса борми, қарз ботқоғига ботиб кетасиз. Яхшилаб ўйлаб кўринг.

Йигит ерга қараганча жим ўтириб қолди. Кейин секин ўрнидан турди-да, тўнғиллади:

— Аризамни қайтиб беринг. Бир ўйлаб кўрай-чи. У шалвираб чиқиб кетди.

Раис мийиғида кулиб ўзига деди: «Мана, сих ҳам куймади, кабоб ҳам. Ҳамма ерни бўлиб бериб юборсам, кимга раислик қиламан?»...

Ориф ФАРМОН.

ЭШИТИШ ОРГАНЛАРИНИ ПРОТЕЗЛАШ МАРКАЗИ. oticon фирмасининг замонавий эшитиш аппаратларини танлаш ва улаб бериш. якка тартибда кулоқ ичига эшиттирувчи мослама ўрнатиш. аудиометрик қўриқдан ўтказиш. лор-сурдологнинг маслаҳатларини. ТАКЛИФ ЭТАДИ. oticon. Офис манзили: Тошкент ш. Халқлар Дўстлиги ш. 42, «Улугбек» метро станцияси, «Меҳнат резервари» стадиони қаршисига, НТИ SPECTR биносига.

Жумбоқ. Урни бўш қолдирилган рақамларни шундай ёзиб чиқингизки, натижада уларнинг тўғри чизиқ бўйлаб йиғиндиси марказдаги рақамга тенг бўлсин. Жавобларни 15 январ, душанба кунги 136-35-60 телефонида хабар қилинг. Кечги сондаги жумбоқнинг жавоби: Нигора 10 ёшда, Васила эса 4 ёшда. Бу ҳақда тахририятимизга гулистонлик Олим Мирзобоев билан тошкентлик Шўхрат Шоисмоилов биринчи бўлиб тўғри жавоб йўллашди.

ПУДРАТ САВДОЛАРИ (ТЕНДЕРЛАР)НИ ТАШКИЛ ЭТИШ АНДИЖОН ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ БЎЛИМИ БУЮРТМАСИ БИЛАН ТАНЛОВ САВДОСИНИ (ТЕНДЕР) ЭЪЛОН ҚИЛАДИ. Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотларини қуйидаги иншоотлар бўйича танлов савдосида қатнашишга таклиф қилади. Т/р Иншоот номи ва жойлашган манзили Куввати. 1. Жалолқудук тумани «Дўстлик» ширкат хўжалигидаги «Қишлоқ шифокорлик пункти» 70 қатнов. 2. Избоскан тумани «Чувама» ширкат хўжалигидаги «Қишлоқ шифокорлик пункти» 70 қатнов. 3. Марҳамат тумани «Машъал» ширкат хўжалигидаги «Қишлоқ шифокорлик пункти» 70 қатнов. 4. Олтинкўл туманидаги «Кўчқоров» ширкат хўжалигидаги «Қишлоқ шифокорлик пункти» 70 қатнов. 5. Улуғнор туманидаги «Деҳқонobod» ширкат хўжалигидаги «Қишлоқ шифокорлик пункти» 70 қатнов. Қурилиш Андижон вилоят ҳокимлигининг капитал қурилиш бўлимига ажратилган давлат инвестиция маблағлари ҳисобидан олиб борилади. Қурилишни олиб бориш муддати 150 кун. Қурилиш ташкилотлари қуйидаги шартларга мос келишлари керак: зарур касбий ва техник имкониятларга, ишончликка, тажриба ва нуфузга, зарур одамлар ресурсларига эга бўлиш, шунингдек, шартнома (контракт) тузишга фуқаролик ҳуқуқий лаёқатига ва ваколатларига эга бўлишлари талаб этилади. Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси - пудрат савдолари (тендерлар)ни ташкил этиш бўйича республика бошқармасининг Андижон вилоят филиалига, қуйидаги манзил бўйича: Андижон ш. А. Фитрат кўчаси, 214-уйга (мўлжал «Андижонхўжаролийи» институти биноси, 1-қават) 2001 йил 5 февралгача, иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача мурожаат қилишингиз мумкин. Телефонлар/ факс: (8-37-22) 25-53-23. Бир комплекта тендер ҳужжатларининг нархи - 15000 сўмни ташкил этади. Оферталарни савдо ташкилотчиси 2001 йил 10 феврал соат 9.00 гача юқорида кўрсатилган манзил бўйича қабул қилади. Оферталарнинг очилиши 2001 йил 10 февралдан - 15 февралгача Андижон ш. А. Фитрат кўча, 214-уй, Пудрат савдолари (тендерлар)ни ташкил этиш Андижон вилоят филиали оғизига белгиланган.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИ. Вилоятда 2001 йилда қурилиш режалаштирилган объектлар бўйича пудрат танлов савдосини эълон қилади. Мулкчиликнинг турли шаклидаги пудрат ташкилотларини қуйидаги объектларни қуриш бўйича танлов савдосида қатнашишга таклиф қилади: I. Қишлоқ врачлик пунктлари 1. Сирдарё тумани, Соҳил ш/х 7. Ховос тумани, Бобур ш/х 2. Сирдарё тумани, Пахтазор ш/х 8. Ховос тумани, Навбахор ш/х 3. Сирдарё тумани, Ҳақиқат ш/х 9. Оқолтин тумани, Фаргона ш/х 4. Гулистон тумани, Юлдуз ш/х 10. Ш.Рашидов тумани, Ф.Фулмон ш/х 5. Боёв тумани, 3-Боёв тумани ш/х 5-бўлим 11. Улуғбод қишлоқ врачлик пункти. 6. Сайхунobod тумани, Работ ш/х 12. Мирзоobod тумани, Тошкент ш/х II. Боёв тумани 3-Боёв тумани ш/х жойлашган профицей биносини 450/100 ўқувчига мўлжалланган профколледж учун қайта реконструкция (капитал таъмирлаш) қилиш. III. Ш.Рашидов тумани Гумбаз қишлоғидаги 50 ўқувчига мўлжалланган мактаб қурилиши. Кўрсатилган объектлар қурилиши давлат инвестиция ресурслари ҳисобидан молиялаштирилиб, фойдаланишга топшириш муддати шартнома бўйича аниқланади. Пудрат танлов савдосида қатнашувчи ташкилотларга қуйидаги шартлар ва талаблар қўйилади. Касб-малака кўрсаткичларида етарли муддат тажрибага эга бўлиши, молиявий аҳоли, муқобиллиги, керакли техник воситаларининг бўлиши ва қолган шартнома шартларини бажариш қобилияти ҳисобга олинади. Танлов савдоси иштирокчилари танлов ҳужжатларини олиш учун 15 январгача соат 9.00 дан 18.00 гача қуйидаги манзилга мурожаат қилиши мумкин: Гулистон шаҳар, Ахматова кўчаси, 30-уй, Тендер савдо ташкилоти вилоят филиали. Тендер ҳужжатлари нархи - 15000 сум. Пудрат ташкилотлар офертаси 2001 йил 4 феврал соат 18.00 гача юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Оферталарни очиб 2001 йил 5 феврал соат 10.00 тендер савдоси ташкилоти вилоят филиали биносига бўлади. Телефон: 27-64-42.

Тошкент кимё-технология институтини жамоаси «Нефть, газ ва углеводородли маҳсулотлар кимёвий технологияси» кафедраси профессори Абурауф АБДУҚОДИРОВнинг вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур тазия билдиради. Тошкент кимё-технология институтини жамоаси «Пластмасса ва ёғочни қайташ ишлаш технологияси» кафедрасининг профессори, техника фандари доктори Тўхтамурод Абдурауфовага умр йўлдоши Раъно ИСХОҚОВАнинг вафот этганини муносабати билан чўқур тазия изҳор қилади. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети раҳбарияти, журналистика факультети жамоаси «Матбуот» кафедраси доцент Екўтхон Мама-товага ладари бузруквори МУҲАММАДЖОН отанинг вафоти муносабати билан чўқур тазия билдиради. Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтини жамоаси хўжалик бўлими ходими Баҳодир Қодировга отаси Абдумутал ота ҚОДИРОВнинг вафот этганини муносабати билан чўқур тазия изҳор этади. Тошкент молия институтини ректорати ва касаб уюшмаси сиртки кредит-иқтисод факультетининг докани, доцент Норбой Каримовга онаси Ҳафизул КАРИМОВАнинг вафоти муносабати билан чўқур тазия изҳор қилади.

«ЖАЛҚ СҮЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО» МУАССИСАЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ. Тахрир хайъати: Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Жалқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Жалқ сўзи»), С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУХИДДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, Р. САФАРОВ, Р. ФАҲОДИЙ, И. ХУДОЁЕВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАШПЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. ҲОШИМОВ. БЎЛИМЛАР: Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; Ҳуқуқ — 136-07-94; Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65; Маълумот ва маърифат — 136-35-60; Хатлар — 136-29-89, 133-07-48; Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08; Аxbорот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 133-78-92; Халқаро ҳаёт — 132-11-15; Котибият — 133-10-28; Эълонлар — 136-09-25. Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001 Буюртма Г — 716, 30797 нуҳада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Газета PENTUM-II компьютерда терилди ҳамда оператор Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди. Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ. Навбатчи муҳаррир — А. МАДАТОВ. Навбатчи — Қ. ЭШИМАТОВ. Мусаввир — Ш. МАНРАБОВЕВ. МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилади — 00.30 1 2 3 4 5 6

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

“Ватан ҳимоячилари куни” муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи ҳамда Божхона кўмиталари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг алоҳида ўрнатилган ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

Абдураҳимов Сарвар Турсунбаев - Мудофаа вазирлиги махсус бўлинмасининг катта мутахассиси
Гордиенко Виктор Александрович - Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмитаси чегара қўшинлари “Жануб” минтақавий штабининг вазод командири ўринбосари
Екабонс Янис Арвидович - Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмитаси чегара қўшинлари “Тошкент” тезкор гуруҳининг отряд командири ўринбосари
Жўраев Фарход Еркинвич - Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси ҳузуридаги бўлинма командири
Зулмиров Илхом Нуриддинович - Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси 18-ҳарбий-лаштиралиган ўт ўчириш қисмининг хизмат кўрсатиш гуруҳи старшиниси
Лагунин Олег Вячеславович - Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмитаси чегара қўшинлари “Тошкент” тезкор гуруҳининг отряд командири
Салихбаев Анвар Саитович - Миллий хавфсизлик хизмати ходими
Умаров Имомали Акбарович - Наманган вилояти ички ишлар бошқармаси отряд бошлигининг ўринбосари, штаб бошлиги
Усаров Акбар Меликулович - Мудофаа вазирлиги отрядининг катта мутахассиси
Хаджиев Менглибой - Сурхондарё вилояти Муз рабод тумани ички ишлар бўлими участка инспектори
Хажиметов Зафар Абдуқодирович - Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Хикматов Рустам Патхулаевич - Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмитаси Термиз чегара ҳудудининг чегара пости бошлиги
Хусанов Хайрулло Гулям - Мирзачулик - Мудофаа вазирлиги гуруҳ командирининг ўринбосари
Эрматов Олим Иминович - Мудофаа вазирлигининг ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва ҳарбий ҳаво кучлари вертолёт гуруҳи командири
Қосимов Вячеслав Темирович - Миллий хавфсизлик хизмати ходими

“Жасорат” медали билан

Атамухамедов Бохид Бокринович /мархум/ - Тошкент шаҳар Акмал Икромов тумани ички ишлар бошқармаси милиция таянч пункти инспектори
Бекмуродов Салоҳиддин Эмүрөлович /мархум/ - Сурхондарё вилояти ички ишлар бошқармасининг милиционер-ҳайдовчиси
Бердимуродов Усман Юлдашев - Миллий хавфсизлик хизмати ходими
Блинов Евгений Александрович - Мудофаа вазирлиги ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва ҳарбий ҳаво кучлари вертолёт командири
Боймирзаев Абдусаттор Эгамшукрович - Сурхондарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг бўлими бошлиги - бошқарма бошлиги ўринбосари
Болташхужаев Амонхон Максумович - Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмитаси чегара қўшинлари “Шарқ” минтақавий штаби отрядининг командири
Говорухин Валерий Алексеевич /мархум/ - Тошкент вилояти Янгиобод шаҳар ички ишлар бўлими бошлиги
Гончаров Владимир Васильевич - Мудофаа вазирлиги ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва ҳарбий ҳаво кучлари вертолёт бригадасининг катта ўқувчиси
Дусматов Эрганали Мустафакулович - Мудофаа ва

зирилги Шарқий ҳарбий округининг муҳандислик хизмати бошлиги
Жуманов Эргаш - Сирдарё вилояти Божхона бошқармасининг “Сирдарё” божхона пости бошлиги
Жўраев Шоир Абдумуталович - Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмитаси Андижон чегара ҳудудининг чегара пости бошлиги
Камалов Атабек Мадамбекович - Мудофаа вазирлиги ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва ҳарбий ҳаво кучлари вертолёт бригадасининг катта ўқувчиси
Каримов Рустам Собитович - Миллий хавфсизлик хизмати ходими
Карабаев Абдуманноб Сатволдиевич /мархум/ - Тошкент вилояти Янгиобод шаҳар ички ишлар бўлими жиноят қидирув гуруҳининг катта тезкор вакили
Кенжаев Анвар Хайдарович - Термиз ҳарбий прокурори
Козлов Кирил Владимирович - Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмитаси чегара қўшинлари “Тошкент” тезкор гуруҳи отрядининг разведка-қидирув гуруҳи командири
Мавлонов Ойбек Уринович - Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмитаси чегара қўшинлари “Тошкент” тезкор гуруҳи отрядининг фельдшерси - катта разведкачиси
Мирахмедов Абборжон Алхамович - Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси отрядининг милиционер-кинологи
Муминов Эркин Акмалович - Миллий хавфсизлик хизмати ходими
Мухтаров Фарух Шахобиддинович - Миллий хавфсизлик хизмати ходими
Нишонов Икбол Мамаширифович - Чирчиқ танк қўмондон-муҳандислик олий билим юрти курсанти

Нишонов Пулатхўжа Эркинович - Андижон вилояти Ички ишлар бошқармасининг отряди милиционер-кинологи
Оллоёров Рустам - Миллий хавфсизлик хизмати ходими
Пошшокулов Хамдам Юсуфалиевич - Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмитаси чегара қўшинлари “Тошкент” тезкор гуруҳининг отряд разведкачиси
Пулатов Бахтиёр Адилевич /мархум/ - Тошкент вилояти Янгиобод шаҳар ички ишлар бўлими бошлигининг биринчи ўринбосари
Раҳимов Ҳикмат Тоневич - Мудофаа вазирлиги отрядининг мергани
Рўзиев Мамашо - Қашқадарё вилояти Косон тумани ички ишлар бўлими милиционер-ҳайдовчиси
Сандахметов Икромжон Сотимбоевич /мархум/ - Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси 18-ҳарбий-лаштиралиган ўт ўчириш қисмининг катта ўт ўчирувчиси
Сергеев Сергей Николаевич /мархум/ - Навой вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси авария-қутқарув гуруҳининг газэлектр-пайвандчиси
Солихонов Авазбек Жўрабекович - Мудофаа вазирлиги миномёт секциясининг расёт командири
Тагаев Марат Пулатович - Миллий хавфсизлик хизмати ходими
Туллаев Дилшод Бахшудоевич - Навой шаҳар ички ишлар бўлимининг қўриқлаш бўлими милиционер-кинологи
Умаров Раҳмат Нигматович - Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмитаси Термиз чегара ҳудудининг чегара пости бошлиги
Ходжаев Алишер Абдукаримович - Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмитаси чегара қўшинлари “Жануб” минтақавий штаби Узун чегара ҳудудининг

чегара пости бошлиги
Ходжаев Мамад Ибрагимович - Миллий хавфсизлик хизмати ходими
Худойберганов Рузмибой Юлдашев - Хоразм вилояти Шовот тумани ички ишлар бўлимининг тезкор вакили
Шабанов Дмитрий Абдурашодович - Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмитаси чегара қўшинлари “Тошкент” тезкор гуруҳи отрядининг разведка-қидирув гуруҳи командири ўринбосари
Эмиралдиев Эрфан Дилверович /мархум/ - Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар ички ишлар бўлимининг кичик инспектор-кинологи
Яковлев Олег Эдуардович - Миллий хавфсизлик хизмати ходими
Каҳоров Фарход Тахирович - Чирчиқ танк қўмондон-муҳандислик олий билим юрти курсанти
Қосимов Аваз Донаевич - Жиззах вилояти божхона бошқармаси “Арсасой” божхона пости кичик инспектор-кинологи

Литвинов Сергей Иванович - Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари Бош бошқармаси ҳарбий қисмининг моддий-техника таъминоти ротаси бирлашган устaxonаси бошлиги
Махмудов Хамза Ҳасанович - Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг умумий назорат бошқармаси бошлиги
Норматова Юлия Петровна - Самарқанд вилояти Булунгур тумани ички ишлар бўлимининг воғта етмаганлар иши бўйича инспекцияси бошлиги
Нурмуродов Илҳомжон Эргашевич - Самарқанд вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиги
Тенаев Илхом Баратович - Бухоро вилояти Божхона бошқармасининг “Бухоро-2” божхона пости бошлиги
Узаков Шухрат Шаропович - Шарқий ҳарбий округининг ҳарбий прокурори
Хасанов Бахтиёр Тўрабович - Мудофаа вазирлиги автомобилларни таъмирлаш заводининг бошлиги
Холатов Нигмат - Ички ишлар вазирлиги ташкилий-инспекторлик бошқармаси бўлимининг тезкор навбатчиси
Юсупов Алишер Тўлқинович - Мудофаа кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти Фарғона вилояти кенгаши раиси

Литвинов Сергей Иванович - Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари Бош бошқармаси ҳарбий қисмининг моддий-техника таъминоти ротаси бирлашган устaxonаси бошлиги
Махмудов Хамза Ҳасанович - Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг умумий назорат бошқармаси бошлиги
Норматова Юлия Петровна - Самарқанд вилояти Булунгур тумани ички ишлар бўлимининг воғта етмаганлар иши бўйича инспекцияси бошлиги
Нурмуродов Илҳомжон Эргашевич - Самарқанд вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиги
Тенаев Илхом Баратович - Бухоро вилояти Божхона бошқармасининг “Бухоро-2” божхона пости бошлиги
Узаков Шухрат Шаропович - Шарқий ҳарбий округининг ҳарбий прокурори
Хасанов Бахтиёр Тўрабович - Мудофаа вазирлиги автомобилларни таъмирлаш заводининг бошлиги
Холатов Нигмат - Ички ишлар вазирлиги ташкилий-инспекторлик бошқармаси бўлимининг тезкор навбатчиси
Юсупов Алишер Тўлқинович - Мудофаа кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти Фарғона вилояти кенгаши раиси

Ватанимизнинг мудофаа қудратини ошириш, чегараларнинг дахасизлиги ва миллий хавфсизлигини мустақамлашга қўшаётган муносиб ҳиссаси, ҳуқуқ-тартибот ва эл-юрт оқошига таълимий таъинидаги фидоакорили, ижтимоий ҳаётдаги фаоллиги учун қўйиладиган фахрий унвонлар берилсин:

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист”

Манапов Олимжон - Тошкент шаҳар прокуратураси бўлими катта прокурори
Литвинов Сергей Иванович - Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари Бош бошқармаси ҳарбий қисмининг моддий-техника таъминоти ротаси бирлашган устaxonаси бошлиги
Махмудов Хамза Ҳасанович - Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг умумий назорат бошқармаси бошлиги
Норматова Юлия Петровна - Самарқанд вилояти Булунгур тумани ички ишлар бўлимининг воғта етмаганлар иши бўйича инспекцияси бошлиги
Нурмуродов Илҳомжон Эргашевич - Самарқанд вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиги
Тенаев Илхом Баратович - Бухоро вилояти Божхона бошқармасининг “Бухоро-2” божхона пости бошлиги
Узаков Шухрат Шаропович - Шарқий ҳарбий округининг ҳарбий прокурори
Хасанов Бахтиёр Тўрабович - Мудофаа вазирлиги автомобилларни таъмирлаш заводининг бошлиги
Холатов Нигмат - Ички ишлар вазирлиги ташкилий-инспекторлик бошқармаси бўлимининг тезкор навбатчиси
Юсупов Алишер Тўлқинович - Мудофаа кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти Фарғона вилояти кенгаши раиси

ҳарбий прокуратураси бошқармасининг ҳарбий прокурори

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси”

Ходжаев Алиқ Хабибуллаевич - Давлат божхона кўмитаси Ҳуқуқий бошқармаси бошлигининг ўринбосари - халқаро божхона ҳуқуқи бўлими бошлиги
Черкасов Фёдор Васильевич - Миллий хавфсизлик хизмати ходими
Жўраев Саидобид Тўраҳужаевич - Қарши ҳарбий прокурорининг ўринбосари
Қалибаев Олдасин Дарибаевич - Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой тумани ички ишлар бўлими катта инспектори
Маъмуров Сидқижон Абдурайимович - Миллий хавфсизлик хизмати ходими
Минаваров Сабиржон Джураевич - Давлат божхона кўмитаси Уқув маркази бошлиги
Насиров Сабиджон Илхамович - Миллий хавфсизлик хизмати ходими
Рамазанов Азамат Норбоевич - Мудофаа вазирлиги артиллерия бригадаси тўпчи дивизионининг командири
Раҳмонов Искандар Рафикович - Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фўқаро муҳофазаси институти катта ўқитувчиси
Сербин Виктор Николаевич - Тошкент ҳарбий чегарачилар олий билим юрти катта ўқитувчиси
Хусенов Ботир Рузминович - Мудофаа вазирлиги Шимолий-Ғарбий ҳарбий округининг муҳандис-саёлёрлар бригадаси батальони командири
Ҷен Эдуард Сам-Намович - Ички ишлар вазирлиги Коррупция, рақот ва терроризмга қарши кураш Бош бошқармасининг бўлим бошлиги
Шамуродов Алишер Хамидуллаевич - Миллий хавфсизлик хизмати ходими
Эшқулов Баҳром Маждидович - Миллий хавфсизлик хизмати ходими
И. КАРИМОВ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мустақилликни ҳимоя қилиш — ҳар биримизнинг бурчимиз

Ўз армиямизни яратишда бой тарихимизга таяндик. Шу билан бирга Куролли кучларни шакллантириш узоқ давом этадиган мурракб жараён эканини яхши тушунар эдик. Бунда зарур базани яратмасдан фақат декларациялар билан чекланиб қолган кечириб бўлмайдиган хато бўлган бўлар эди. Энг, аввало, бошқа ҳар қандай давлат институти каби Куролли кучлар учун ҳам тўлақонли фаолият юритиш учун ҳуқуқий база зарур эди. Қисқа муддатда зарур ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, улар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида ўз аксини топди. Бироқ, ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди. Мазкур қонунлар қабул қилинганидан сўнг мамлакат ичкари-сида ҳам, ташқи сиёсий вазият ҳам кўпгина ўзгаришлар содир бўлди. Табиийки, бир қанча ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва уларни ҳозирги воқеликка мослаштириш зарурати юзга келди. Айнан шунинг учун 1995 йилда қабул қилинган ҳарбий доктрина ўзинга Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси ишлаб чиқилди. Мазкур ҳужжатда Куролли Кучлардан ҳозирги қўн таллабларига мувофиқ фойдаланишининг ҳарбий-стратегик вазифалари ҳамда таъминотлари белгилаб берилган. Иккинчи чакirik Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг туртинчи сессиясида “Мудофаа тўғрисида”ги Қонунын зарур ўзгаришлар киритилган янги тахрирдаги лойиҳаси биринчи ўқишда маъқулланди. — Матлумки, бутунни кўла Күролли Кучларни ислох қилиш масалаларида катта эътибор қаратилмоқда. Бу соҳадаги ислохотлар қандай дунялидга бораётгани, ўтган

дилларда муносиб жавоб қайтариш зарурати Ўзбекистон Республикасининг ҳудудий яхлитлиги ва хавфсизлиги, унинг чегаралари дахасизлиги кенча-кенча шаклланиши белгилаб берди. Ушбу концепция яна амалга оширилиши мўҳим йўналиш ҳозирги пайтда мўҳим аҳамиятга эга Куролли Кучлар дислокацияси тизимини қайта кўриб чиқиш ҳисобланади. Бу тизим Куролли Кучлар таркибининг сон жиҳатдан қисқартириш шартини таллаш Мудофаа вазирлиги биримчалари ва қисмлари ҳаракатларини чегара ва ички қўшинлар, бошқа вазирликлар ва идораларнинг ҳарбий бўлинмалари ҳаракатлари билан мувофиқлаштириш таъминоти асосланган. Тизим республиканинг барча ҳудудини ҳарбий округларга — мамлакатнинг асосий ҳарбий-маъмурий бирликлари бўлиш асосида қурилган. Куролли Кучларнинг раҳбарлик тузилмалари ҳам ислох қилинди. Бошқарув тизимини такомиллаштириш мақсадида Бош штаб Куролли Кучларнинг Бирлашган штабига айлантирилди. Мудофаа вазирлиги ва Бирлашган штабининг ваколатлари ҳамда вазифалари аниқ белгилаб берилди. Келгусида ислохотлар яна давом этирилади. Бизнинг асосий вазифаларимиздан бири ҳарбий меҳнатни интеллектуаллаштиришдан иборат. Келгусида Куролли Кучлар фаолиятини янада демократлаштириш, армия ҳаётининг жамият учун ошқоралигини оширишга ҳаракат қилишимиз. — Қодир Ғофурович, матлумки, мамлакатимиз раҳбарияти малакали қарлар тайёр

қатларини жуда яхши тушунак ва билан. Айниқса, узоқ горнизонлардаги ҳарбий хизмат баъзида жуда оғир кечди. Давлатимиз раҳбарияти Ватан ҳимоячиларининг турмуш ва меҳнат шартинларини яхшилаш учун барча зарур чораларни кўрмоқда. Биз бу гамхўрликни фақат сўзда эмас, амалда ҳам сезиб турибмиз. Кейинги йилларда қанчадан-қанча янги казармалар, охионалар, клублар, офицерлар учун уйлар ва бошқа иншоотлар қурилганини санаб ўтиришнинг ҳождати бўлмас керак. Бу борадаги ишлар яна давом этирилади. Олий Мажлисининг “Ўзбекистон Республикасининг 2001 йилга мўлжалланган Давлат бюджет тўғрисида”ги қароридан мамлакат хавфсизлигини таъминлаш масалаларини устувор молиялашга алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас. Куролли Кучлар давлатимиз ва халқимизнинг гамхўрлиги ва қўлаб-қувватлашига жавобан мустақил Ўзбекистон ҳимоясига доимо тайёр туриш, юртимизнинг тинчлиги, барқарорлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш учун ўз маҳоратларини доимий равишда ошириб бориши, жанговар тайёрларининг юқори марраларига интилиши, бўлинмаларда интизом ва тартибни мустақамлаб бориши лозим. Ишончим комилки, ўзбекистонлик аскарлар бундан буён ҳам Ватанимиз — мустақил Ўзбекистоннинг мудофаа қудратини мустақамлаш каби омижаноб ишда ўзларининг бор кучида билимларини аямлади. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги номидан барча ватандошларимизни, генераллар, офицерлар ва прапорщиклар, сержантлар ва аскарлар, ниҳи ва хизматчилар, Куролли Кучлар фахрийларини Ватан ҳимоячилари кўни билан чин қўлдан таъбир қиламан! Ҳарбий хизматларида муваффақият, ўзларига ва оилаларига соғлиқ ҳамда фаровонлик тилайман.



«Мен генерал бўламан»

Болаликнинг орзулари мўл. Бугуннинг болалари кўпроқ бизнесмен, менежер, иқтисодчи бўлишни орзу қилишади. Ҳарбий бўлишни орзулаганлар ҳам кам эмас. «Чулпон» наشريети болалар учун «Мен генерал бўламан» деб номланган янги китобни нашрдан чиқарди. Кеча Миллий матбуот марказида ушбу китобнинг тақдироти бўлиб ўтди. Унда китобнинг айтиш шукунлар учун зарур эканлиги таъкидланди. Китоб Ватанимиз армиясининг салохияти, унинг тузиллиши, ҳарбий унвон ва нишонлар, ҳарбий ўқув юртлири ҳақида қизиқарли маълумот беради. Ирисмухаммад Абдукаримовнинг ушбу китоби ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда мўҳим аҳамиятга эгадир. Келажакда мазкур китобни лотин алифбосида чоп этиш мўлжалланган.

14 январ — Ватан ҳимоячилари куни

Эр йигитнинг шарафли бурчи

Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан республика Миллий ҳаф- сизлик хизматининг ҳарбий бўлимида аскарлик бурчини ўтаётган йи- гитларнинг дил сўзларини оққа туширдик.

Нозим НАЗАРОВ (Жиззах шаҳридан ҳарбий хизматга ча- қирилган):

— Биласизми, эр йигит учун Ватан ҳимоячилари са- фида бир кун бўлса ҳам хиз- мат қилиш шарафлидир, — деб сўзини давом эттирди ҳар- бий ва ижтимоий-сиёсий тай- ёрларидики ютуқлари учун ота-онаси номига имми марта ташаккурнома олган Бехзод. — Мен Ватан туйғусини ҳар- бий хизмат давомида чуқур ҳис этдим. Унинг учун қанча тер туқсанг, қанча жон куй- дирсанг ҳам кам. Чунки бу заманда ота-онам, қариндош- ларим яшайди ва мен шу юртининг фарзандиман.

Яқинда уйда ўн кунлик таътилда бўлидим. Дўстларим менга ҳавас қилиб, улар ҳам хизмат қилиш орзулари бор эканлигини айтишди. Бундан мен жуда гурӯҳландим. Ке- лажақда муздатдан ташқари ҳарбий хизматга қўлишга аҳд қилдим. Бу қароримга ота- онам ҳам розилик беришди.

ота-онам оқ фотиҳа беришди. Ешлигимдан спортга қизиқ- қанлигим, бокс ва оғир атле- тика билан бир неча йилдан буён жиддий шугулланиб кел- ганлигим катта ёрдам бераёт- ти. Ватан посбони ҳам жисмо- нан, ҳам маънан чиниққан бўлиши лозим, деган талабга муносиб эканлигимдан мам- нунман.

Равшан ҲОТАМОВ (Тош- кент вилояти, Паркент тум- нидан ҳарбий хизматга ча- қирилган):

— Аскарларга қўл жанги бўйича сабоқ бераман. Йигит- лар бақувват, тиришқок, маш- гулотларни кўнгиридагидек ба- жаралилар. Дам олиш кунла- рини ҳам мароқли ўтказиша- ди. Муносабатимиз жуда

яқин. Хизматга кўникиб қол- ганман. Биласизми, ҳаттоки, бирон яқин дўстим, кўй, ўша ишнинг, савдо билан шу- гулланадиган ёки чўнтакни қапайтирадиган бошқа иш- нинг эътигидан тутаёлик, деса, мен ундан қаттиқ ранжиган бўлар эдим. Ватан ҳимоячи- си бўлишни мен ўзим учун шарафли бурч деб биламан. Шу фурсатдан фойдаланиб, энг аввало, ватанпарварлик руҳида тарбия берган ота- онамга, устозларимга мин- натдорлигимни изҳор этаман.

Бизда жанговар тайёрлар- ликни суғайтирмаслик учун ҳар эр қандай вақтда топши- рик берилади. У ярим тунда бўлади, бунинг фарқи йўқ. Ана шундай пайтларда умр йўлошим Зиннатой мени яқин тушунади. Турмушимиз яқин, бир ўлим бор, бахтли ҳаёт кечираётимиз.

Аскарлар она-Ватан ҳимоясига ҳисса қўша- ётганликларидан фахр- ланишади. Уларнинг сўзига қўлқутар эканми, мамлакатни ташқи душмандан ҳимоя қилишга бош- ии эканлигини бил- дан ҳис этдик. Зеро, бу ўзгалар тоғлигида Жалалиддин Мансурбер- ди, соҳибқарон Амир Темур болаларимизнинг қони жўш урмоқда.

Алишер ҲАСАНОВ ёзиб олди.



Топшириқ аъло даражада бажарилди. Дилшод ЮСУПОВ (ЎЗА) олган сурат.

Шаҳрихон аянинг кенжаси

Ўқисанг булармики, болам, деса унамади. Тутган жойи- ни кесадиган қайсар фар- занд юрист дипломини ҳам кўлга киритди. «Ана энди бағримга қайтса керак», деб ўйлади. Она бари-бир она- да. Фарзандлар олисда бўлса соғинади, кўз тикади...

Унинг учун мустақиллик берган дастлабки мева — фарзанди Фарҳод Омонов- нинг ўз юртида — Ўзбекист- онда ишлай бошлагани бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мустақил- ликнинг 9 йиллиги муноса- бати билан ҳуқуқий муноса- фаза қилиш органлари, Дав- лат четараларини ҳимоя қилувчи қўмита, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вази- рликлари ходимларидан бир гуруҳини муқофотлаш тўғрисидаги Фармони мат- буотда эълон қилинган пайтда Ф. Омонов Сароис- не ва Узуи туманларига бос- ти- риб кирган террорчиларни

қўчаларини чангитиб, бола- ларча шўхлик қилардиқ. Мириқиб тўп телишардиқ. Комилжон исми қишлоқ- дош дўстим бор эди. Уша ҳарбийликка ўқишга кириб, қишлоққа қайтганида бари- миз ҳавас билан қараганмиз. Ҳозир у пополокчилик. Ҳар- бий соҳага тақдир этишган- да жон-жон деб ўтганим- нинг бониси ҳам шу бўлса керак. Қолаверса, ўша пай- тлар Куроли. Кўчаларимиз ислохотларнинг илк босқи- чида турганда. Мустақил Ўзбекистонимиз армияси- нинг нуфузини ошириш учун кадрларга бўлган эҳтиёж юқори эди. Мен Қарши гарнизонда ҳарбий прокурорлик фаолиятини бошлар эканман, аввало, ҳар бир прокурорни муай- ян қисм ва бўлимларга бириктирдим. Ўзларига би- риктирилган ҳарбий жамоа- лар ҳаётини мунтазам билиб боришни қаттиқ талаб қил- дим. Қисм ва бўлимларда

қўчаларини чангитиб, бола- ларча шўхлик қилардиқ. Мириқиб тўп телишардиқ. Комилжон исми қишлоқ- дош дўстим бор эди. Уша ҳарбийликка ўқишга кириб, қишлоққа қайтганида бари- миз ҳавас билан қараганмиз. Ҳозир у пополокчилик. Ҳар- бий соҳага тақдир этишган- да жон-жон деб ўтганим- нинг бониси ҳам шу бўлса керак. Қолаверса, ўша пай- тлар Куроли. Кўчаларимиз ислохотларнинг илк босқи- чида турганда. Мустақил Ўзбекистонимиз армияси- нинг нуфузини ошириш учун кадрларга бўлган эҳтиёж юқори эди. Мен Қарши гарнизонда ҳарбий прокурорлик фаолиятини бошлар эканман, аввало, ҳар бир прокурорни муай- ян қисм ва бўлимларга бириктирдим. Ўзларига би- риктирилган ҳарбий жамоа- лар ҳаётини мунтазам билиб боришни қаттиқ талаб қил- дим. Қисм ва бўлимларда

қўчаларини чангитиб, бола- ларча шўхлик қилардиқ. Мириқиб тўп телишардиқ. Комилжон исми қишлоқ- дош дўстим бор эди. Уша ҳарбийликка ўқишга кириб, қишлоққа қайтганида бари- миз ҳавас билан қараганмиз. Ҳозир у пополокчилик. Ҳар- бий соҳага тақдир этишган- да жон-жон деб ўтганим- нинг бониси ҳам шу бўлса керак. Қолаверса, ўша пай- тлар Куроли. Кўчаларимиз ислохотларнинг илк босқи- чида турганда. Мустақил Ўзбекистонимиз армияси- нинг нуфузини ошириш учун кадрларга бўлган эҳтиёж юқори эди. Мен Қарши гарнизонда ҳарбий прокурорлик фаолиятини бошлар эканман, аввало, ҳар бир прокурорни муай- ян қисм ва бўлимларга бириктирдим. Ўзларига би- риктирилган ҳарбий жамоа- лар ҳаётини мунтазам билиб боришни қаттиқ талаб қил- дим. Қисм ва бўлимларда

ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий саводхонлик дара- жаси ошишига катта эъти- бор қаратилди. Ҳарбий ҳайъат қарорига қура, гар- низонларда жиноятчилик- ка қарши кураш бўйича мувофиқлаштирувчи ке- нашларнинг ташкил этил- ганлиги катта иш бўлди. Қисм командирлари ва бошқа масъул ҳарбий хиз- матчилар кенгаш аъзоли- гига қабул қилиниб, ҳар ойда бу борала қилинаёт- ган ишлар чуқур таҳлил этилаётти.

Бугунги кунда диний экстремизм ва терроризм- нинг хавфини биламиз. Ҳарбий прокуратурамиз ходимлари диний эк- стремизм ва терроризмга қарши қисм ва бўлимла- рда турли семинарлар ташкил этиштиради. Про- филлактик тадбирлар уюш- тирилмоқда. Қисм ва бўлимлардаги суришти- рувчилар билан ҳам кенг кўламада иш олиб бораё- миз.

Ф. Омонов билан узоқ суҳбатлашдик. Ўш ҳақида маълумот олишга ҳарчанд уринмай, гапни ишга, хиз- матга бурдиди. Шунда мен унинг ўз ҳаётини шу соҳа- га бахшида этганлигини сездим. Бундайларни фи- доий дейишди. Шахсий манфатлар қобидан чи- қиб, умумманфаатига, эл- юрт истиқболига хизмат қилишининг ўзи бир жасорат.

Алижон САФАРОВ, катта лейтенант.

Туркистон саройида 2001 йил 15,16,17,18,19 январ кунлари, 18.00 да! ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИНИНГ янги «Қор одам воқеаси» ТОИР ЮНУС асари. фоживий комедия спектаклининг премьераси. Саҳналаштирувчи режиссёр — Маннон Уйғур номли Санъат институтининг режиссёрлик олий курсининг дипломанти — НОДИРА МАҲМУДОВА Саҳналаштирувчи расом — МАҲМУД САМИКОВ Адабий бўлим раҳбари — ҲАЙДАР МУҲАММАД. Ролларда: Теша Мўминов, Эркин Комилов, Ҳожиакбар Нурматов, Рихсвий Авазов, Маҳмуд Исмоилов, Гулчебра Иброҳимбекова, Қаҳрамон Абдурахимов, Пулат Носиров, Тоҳир Саидов, Алишер Ҳамраев, Меҳридин Раҳматов, Ихтиёр Аҳмадалиев. Спектаклнинг бадиий раҳбари — Сергей Каприелов. Режиссёр ёрдамчиси — Омина Тўрақулова.

2001 йил — оналар ва болалар йили Уч асрни кўрган оналар 118 ёшга қадам қўяётган Уйғулжон ая Рўзиева афсо- навий Гулолим эли «Қирқ- қиз» қишлоғида яшайди. Ҳали ҳам одамлар билан дилдан турнинг қилиш, ёш- лардан қимматли ўғитлари- ни ҳамда XIX аср охири ва XX аср ҳақидаги хотирала- рини аямайдиган Уйғулжон аянинг синглиси Сўна момо ҳам айни кунда 107 ёшга тўлмоқда. Икки ёши улуг ая билан учрашувга бутун қиш- лоқ йиғилиб, ўзига хос тўйга айланди. Қўшни қишлоқлик чўпон Души Меретов табар- рук юз ёшдан ошди. — Бизни шу ёшга етказ- гани учун Оллоҳдан мин- натдор бўлишимиз керак, — дейди Души бобо. — Мус- тақилликнинг мусаффо ҳавоси ёшимизга ёш қўшмоқда! Эликқалъадаги юз ёш- дан ошган 31 нафар табар- рук инсоннинг 29 нафари аёллар. — Уларнинг ҳар бирини эътиборга олдик, — дейди туман ҳокими, Олий Маж- лис депутаты, Незматулла Худойберганов. — Совға-са- ломдан ҳам олдин уларга меҳру муруватимизни ҳаёй этамиз! Янгибой КҮЧҚОРОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

«СУРХОН АЖАНТА ЛТД» қўшма корхонаси МАРКЕТИНГ БЎЛИМИ Республикаимизнинг Нукус, Урганч, Фарғона, Самарқанд, Бухоро ва Термиз шаҳарларида иш юритиш учун 30 ёшгача, олий - тиббий маълумотга эга бўлган шу вилоятлар мутахассисларини ишга қабул қилади МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 54. Тел.: (3712) 152-91-34, (3712) 56-75-89, (3712) 56-75-84.

Ўт сафроси (буйракдаги), ошқозон-ичак оғриқларида самарали дори АСПАЛЬГИН Бу дори кучли оғриқни босади ШАҲАР ДОРИХОНАЛАРИДАН СЎРАНГ.

АПКАЛ-Г (глюконат кальций 500 мг) КАЛЬЦИЙ ГЛЮКОНАТ ҲАМИША СИЗНИНГ ҲАМРОҲИНГИЗ «Қурилиштурлашресурс» шўба корхонаси 2001 йил 10 январдан тугатилди. Эътироз ва даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой мuddот ичиде қабул қилинади. ОКПО коди 16490561. Манзил: Тошкент ш., Қурувчилар кўчаси, 3-уй. Телефон: 31-89-93, 50-28-75.

ЧП «ХАМИРАЕВ А.Р.» ЭЛЕКТР ТОВАРЛАРИ 100 руб. КАНЦЕЛЯРИЯ ТОВАРЛАРИ 500 руб. «Нексия» - «Данас» - «Тико» учун МОТОР МОЙЛАРИ ва ФИЛЬТРЛАРИ. Тел.: 50-84-82, 30-83-54. Кечқурун - 170-83-65, 57-68-09.

Ватан ҳимоячилари куни Азиз ватандошлар! «Ўздунробита» қўшма корхонаси жамоаси Ўзбекистон халқини ва Ватанимизнинг жасур ҳимоячиларини Ватан ҳимоячилари куни билан самимий табриқлайди ва ҳаммага саломатлик, бахт, тинчлик - омонлик, эртанги кунга ишонч ва фаравонлик тилайди! UZDUNROBITA celluar DİYORIMIZ BO'YLAB BIZ BILAN